

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019.В.02.08 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУЛЛАЕВА НОДИРА САЙФУЛЛАЕВНА

**ЖИНҒИЛ (*LYCIUM L.*) ТУРКУМ ТУРЛАРИНИНГ
МОРФОБИОЛОГИЯСИ ВА ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Нуруллаева Нодира Сайфуллаевна

Жингил (*Lycium* L.) туркум турларининг морфобиологияси ва фойдаланиш истиқболлари 3

Нуруллаева Нодира Сайфуллаевна

Морфобиология и перспективы использования видов рода дереза (*Lycium* L.) 21

Nurullayeva Nodira Sayfullayevna

Morphobiology and prospects for the use of species of the genus *Lycium* L 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019.В.02.08 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУЛЛАЕВА НОДИРА САЙФУЛЛАЕВНА

**ЖИНҒИЛ (*LYCIUM L.*) ТУРКУМ ТУРЛАРИНИНГ
МОРФОБИОЛОГИЯСИ ВА ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/B358 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот–таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ҳайдаров Хислат Қудратович**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мавланов Хударган**
биология фанлари доктори, профессор

Тухтаев Бобокул Ерқулович
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.02.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «1» февраль куни соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет ҳиёбони, 15 уй. Самарқанд давлат университети Биология факультети биноси 2-қават мажлислар зали. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс (+99866) 239-11-40, E-mail: devonxona@samdu.uz.)

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет ҳиёбони, 15 уй. Тел.: (+99866) 239-11-51

Диссертация автореферати 2022 йил «18» январь куни тарқатилди.
(2022 йил «18» январь № 23 сонли реестр баённомаси).



З.Т.Ражамуродов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

М.С.Кузиев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.ф.д. (PhD), доцент

А.Р.Жабборов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ишлаб чиқарилаётган дори препаратларининг 60% дан кўпроғи ўсимликлардан олиниши уларнинг табиий ресурсларига бўлган талабнинг юқори бўлишини таъминлайди. Сўнгги йилларда доривор ўсимликларни фойдаланилмайдиган ерларда етиштириш ҳамда улардан хом ашё тайёрлашда уларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда фармацевтика саноатига тадбиқ этиш заруратини белгилаб бермоқда. Бу ўринда, ўзга флоралардан келтирилган ҳамда маҳаллий, истиқболли доривор ва фойдали турларни турли иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда ўрганиш, фитокимёвий хусусиятларини тадқиқ этиш ҳамда доривор ўсимликларни етиштириш билан шуғулланувчи корхоналарда уларни кўпайтириш ва хом ашёсини етиштириш учун тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда бошқа флораларга хос доривор ўсимликларни маданийлаштириш ва иқлимлаштиришга бағишланган амалий тадқиқотлар уларнинг ўсиш-ривожланиши, онтогенезида кечадиган жараёнларнинг иқлимлаштирилаётган муҳитдаги биоморфологик, фенологик хусусиятларига боғлиқлик нуқтаи назаридан очиб беришга қаратилган кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, ҳозирги кунда истиқболли доривор ўсимликлардан ҳисобланган *Lucium* L. турларининг иқлимлаштирилган шароитларда морфобиологик хусусиятларига унинг онтогенезига боғлиқ ҳолда ўсиш-ривожланиши ва фенологиясини тадқиқ этиш, уларни турли тупроқ-иқлим шароитларида уруғи ва вегетатив йўллар билан кўпайтиришнинг интенсив усуллари ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда бошқа флоралардан интродукцияланаётган шу билан бирга маҳаллий истиқболли доривор ўсимликларни унумдорлиги паст ерларга экиш ҳамда уларни кимёвий таркибини таҳлил қилиш орқали фармсаноат ҳамда доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган корхоналарнинг фаолиятига тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «... фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳолини ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлаш» белгилаб берилган. Ушбу Фармонда келтирилган муҳим вазифаларни амалга оширишда *Lucium* L. турларини иқлимлаштирилган ва табиий шароитларда ўсадиган турларини онтогенезининг давр ва босқичларида морфобиологик хусусиятларини изоҳлаш, ўзаро фарқларини очиб бериш, фенологиясининг асослаш, уруғи ва қаламчалари орқали кўпайтиришнинг интенсив усуллари ишлаб чиқиш, фармацевтика саноати учун қимматли бўлган меваларини кимёвий таркибини аниқлаш ҳамда фармсаноат ва доривор ўсимликларни етиштириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

ва қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар учун хом ашё базасини яратиш ҳамда тавсиялар тайёрлаш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республика Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2911-сон “Республика фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сон “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Lucium* L. туркум турларининг таксономияси, морфологияси, тарқалиши ҳамда келиб чиқиши R.G. Olmstead (1999), R.A. Levin (2005), X.L. Yin (2011), J.S. Miller (2011), Ruyu Yao (2018), уруғларининг унувчанлиги ва қаламчаларидан кўпайтириш P.O. Rudolf (1974) M.R. Baldwin (2018), кимёвий таркиби ва антиоксидант активлиги бўйича маълумотлар S.Q. Chen (1991), Peng Yong (2005), Jie Zhang (2013), Tahidul Islam (2017), Jianjun Chen (2018), Prodromos Skenderidis (2019) каби бир қатор олимларнинг ишларида келтирилган.

МДХ мамлакатларида *L. barbarum* нинг вегетатив органларининг анатомик тузилиши М.А. Секинаева (2015), *L. ruthenicum* илдиз системасининг тузилиши А.А. Аметов (2010), *L. depressum* нинг қурғоқчиликка ва шўрга чидамлилиги A.Sh. Bahraman (2020) ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Республикада *Lucium* L. турларини ўрганиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмаган. Адабиётларда келтирилган кам сонли маълумотлар республикада туркум турларининг морфобиологияси, онтогенези, кўпайтириш усуллари ҳамда кимёвий таркиби тўғрисидаги саволларга етарли жавоб бермайди.

Тадқиқотларнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ №SBio-03 “Жанубий-Ғарбий Ўзбекистон флорасининг биохилма-

хиллигини ўрганиш, инновацион тадқиқотлар ўтказиш ва уларни муҳофаза қилишнинг биологик асосларини аниқлаш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. *Lycium* L. туркум турларининг морфобиологик хусусиятларини аниқлаш ва кўпайтириш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Lycium L. туркум турларининг морфобиологик хусусиятларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

уруғларнинг лаборатория ва дала шароитларида оптимал унвчанлигини аниқлаш;

туркум турларини вегетатив йўл билан кўпайтириш усулларини ишлаб чиқиш;

туркум турларининг онтогенез даври, босқичлари, ҳамда фенологик фазаларини тавсифлаш;

туркум турларининг гуллаш биологияси ва уруғ маҳсулдорлигини аниқлаш;

туркум турлари меваларининг кимёвий таркибини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида *Lycium* L. туркумининг *L. barbarum* L., *L. dasystemum* Pojark., *L. depressum* Stock., *L. ruthenicum* Murray турлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети *Lycium* L. туркуми турларининг морфобиологияси, онтогенези, фенологияси, кўпайтириш усуллари ва фитокимёвий таркиби ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лаборатория ва дала шароитларида тажрибалар қўйиш, фенологик, морфологик, фитокимёвий ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилояти шароитида *Lycium* L. туркуми турлари уруғларининг лаборатория ва далада унвчанлиги аниқланган, қаламчаларидан кўпайтириш усуллари ишлаб чиқилган;

Самарқанд вилояти шароитида туркум турлари онтогенезининг давр ва босқичларига боғлиқ ҳолда ўсиш-ривожланиши ва морфобиологик хусусиятлари очиб берилган;

туркум турларининг гуллаш биологияси, уруғ маҳсулдорлиги аниқланган.

туркум турлари меваларининг кимёвий таркиби, миқдорий кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Уруғларини оптимал униш ҳарорати, экиш муддатлари ва оптимал экиш чуқурлиги аниқланиб, қаламчалар орқали кўпайтириш усуллари ишлаб чиқилган;

Туркум турлари меваларининг кимёвий таркибини аниқлаш орқали Республикамизда фармацевтика саноати учун сифатли хомашё тайёрлаш имконияти яратилган;

Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида туркум турларининг тарқалиш ареаллари аниқланиб ва мониторинг олиб борилиб ГАТ хариталари тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларда замонавий усуллар қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, маълумотларнинг статистик таҳлил қилинганлиги ҳамда олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, диссертация амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти жингил туркуми турларининг онтогенез босқичлари ва даврларига боғлиқ ҳолда биоморфологик хусусиятлари, фенологияси, гуллаш биологияси, уруғ маҳсулдорлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти эса жингил туркуми турларининг тарқалишини акс этувчи ГАТ хариталарини тузилганлиги, уруғи ва қаламчалари орқали кўпайтиришнинг энг мақбул меъёрларини ишлаб чиқилганлиги бу маълумотларни табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ҳамда доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларга тадбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши *Lycium* L. туркуми турларининг кўпайтириш ва морфобиологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Lycium L. туркуми турларини кўпайтириш ҳамда етиштиришнинг оптимал меъёрлари Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ўрмончилик хўжаликлари ҳамда фермер хўжаликлари амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2021 йил 10 сентябрдаги 03/21-3666-сон маълумотномаси). Натижада, 6,5 га майдонда кўчатзорлар ташкил этиш ва ўрмон хўжалиги ерлари биохилмаҳиллигини ошириш имконини берган;

жингил туркум турлари табиий популяциялари ҳолатини мониторинг қилиш натижасида тузилган ГАТ хариталар Самарқанд вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 04-02/8-2824-сон маълумотномаси). Натижада, Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги фермер хўжаликларининг 1,5 га тошлоқ, унумсиз ерларида бу ўсимликни кўпайтириш орқали тупроқ эрозиясини олдини олиш ҳамда тарқалиш ареалларини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий тадқиқот анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги

Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг

докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп қилишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 таси республика 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“*Lucium L.* туркуми турларининг ўрганилиши, тарқалиши, экологияси ва ҳўжалик аҳамияти”** деб номланган бобида *Lucium L.* туркуми турларининг морфобиологик хусусиятлари, кимёвий таркиби ва фойдаланилишини ўрганиш бўйича олиб борилган кенг қамровли илмий тадқиқотларнинг таҳлили келтирилган. ЎзР ФА Ботаника институти Миллий гербарийси ҳамда СамДУ Ботаника кафедраси гербарий коллекциялари таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра, жингил туркуми турларига оид гербарий намуналари 1901 йилдан то 2015 йилгача бир қатор олимлар томонидан Ўзбекистондан ва унга яқин ҳудудлардан йиғилганлиги эътиборга молик. Мавжуд гербарий маълумотлари ҳамда 2018-2020 йиллар давомида тадқиқотчи томонидан йиғилган гербарийларга асосида туркум турларининг тарқалиши акс этган ГАТ харита тузилган.


Диссертациянинг **”Тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг табиий шароитлари, объектлари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг шароитлари, тадқиқот объекти ва услублари келтирилган.

Уруғларнинг лаборатория шароитида унувчанлиги М.К. Фирсова (1959), ўсимликларнинг онтогенезини аниқлашда А.А. Уранов (1975) услубларидан фойдаланилди ва биоморфологик хусусиятлари 10 туп ўсимлик асосида ўрганилди. Майсаларни тавсифлаш И.Т. Васильченко (1960) услуби асосида бажарилди. Ўсимликларнинг фенологиясини аниқлашда И.Н. Бейдеман (1974), ва Г.Е. Шульц (1966) услубларидан фойдаланилди. Ўсимликнинг гуллаш биологияси, кунлик ва мавсумий гуллаш динамикасини ўрганиш А.Н. Пономарёв (1960), уруғ маҳсулдорлиги Р.Е. Левина (1981) услублари асосида бажарилди. Тадқиқотлар давомида олинган натижалар статистик таҳлил қилинди (Excel 2013).

Диссертациянинг **“*Lucium L.* туркуми турларининг морфо-биологияси ва кўпайтириш усуллари”** деб номланган учинчи бобда туркум

турларининг морфологик хусусиятлари ҳамда уруғи ва қаламчаларидан кўпайтириш усулларига бағишланган. Жингил мевалари резавор, кўп уруғли. *L. barbarum* меваларининг шакли юмалоқ, овалсимон, цилиндрсимон. Тажриба майдонларидаги меваларнинг асосий қисми цилиндрсимон (49,8%), овалсимон (31,6%) шаклларда бўлиб, юмалоқ шаклдаги мевалар нисбатан камроқ. *L. dasystemum*, *L. depressum* да асосан шарсимон шаклдаги мевалар мавжуд. *L. dasystemum* да ясси юмалоқ шаклдаги мевалар 13,3% ни ташкил этди. *L. ruthenicum* да асосан мева шакли ясси юмалоқ, шарсимон мевалар эса 9.7% ни ташкил этди. Меваларнинг ўлчамлари мавсумий ўзгарувчанликка эга. Олинган морфометрик ўлчамлар жингил меваларининг ҳажми ва унга мос равишда оғирлиги ўзгариб боришини кўрсатди (1-расм). Дастлабки ҳосил бўлган мевалар йирик, мева вазни ва ўлчамлари ҳам мос равишда катталашиб боради.

L. barbarum мевалари май ойида энг йирик бўлиб, бўйи 2,18 см, эни 1,14 см, оғирлиги 38,89 г ташкил этди. Июль ойида бу ўлчамлар сезиларли равишда пасайди ва мос равишда 1,49 см, 0,76 см, 20,91 г ни ташкил этди. Жингил новдаларида тиканлар учрайди. Тажрибадаги *L. barbarum* да тиканлар қолган турларга нисбатан кам бўлиб, асосан кўп йиллик пояларда учрайди.



1-расм. Жингил туркуми турлари меваларининг морфометрик кўрсаткичлари

2018 йил сентябрда терилган уруғларни 20°C термостатда ундирилганда *L. barbarum* (83,7%), *L. dasystemum* (78,6%), *L. depressum* (70,1%), *L. ruthenicum* (75,6%) уруғлари учун тиним даври шарт эмаслиги ва тиним даврени ўтамаган уруғлар юқори унувчанликка эга эканлигини кўрсатди. *L.*

barbarum, *L. dasystemum*, *L. ruthenicum* турлари уруғларининг лаборатория шароитида оптимал унувчанлик ҳарорати 20°C бўлиб, ушбу ҳароратда уруғлар энг юқори унувчанликка эга эканлиги аниқланди. *L. depressum* да эса оптимал ҳарорат 25°C га тўғри келди ва уруғларнинг унувчанлиги 91,4% ни ташкил қилди.

Дала шароитида уруғларни экиш учун ҳар бир вариантга 100 тадан уруғлар ажратиб олинди ва октябр, феврал, март, апрел ойларида ишлов берилган майдонга экилди (1-жадвал).

1-жадвал

Lucium L. турларларида уруғларнинг экиш муддатларида ва унувчанлиги

Турлар номи	Экилган уруғлар миқдори	Экиш муддати ва унувчанлик миқдори, %				
		1.X	15.II	1.III	15.III	1.IV
<i>L.barbarum</i>	100	41,0	31,5	61,2	52,0	24,5
<i>L.dasystemum</i>	100	32,5	21,7	55,2	43,0	19,7
<i>L.depressum</i>	100	48,5	36,2	58,5	69,2	43,0
<i>L.ruthenicum</i>	100	12,7	15,0	22,0	17,2	11,5

Тажрибаларимизда янги терилган уруғлар, кузда экилганда дарҳол униб чиқиши кузатилди. Уруғлар униб чиқсада (12,7-48,5%), ниҳолларнинг пояси ёғочланишга улгурмади ва натижада улар қишда nobуд бўлди. Шунинг учун, уруғларни кузда экиш мақсадга мувофиқ эмас. 15 февралда экилган уруғларнинг унувчанлиги 15,0-36,5% ни ташкил қилди. Ушбу муддатда экилган уруғлар 15-20 кундан сўнг униб чиқа бошлади. 1 мартда экилган уруғлар *L. barbarum* (61,2%), *L. dasystemum* (55,2%), *L. ruthenicum* (22,0%) да энг юқори эканлиги аниқланди. *L.depressum* нинг 1 мартда экилган уруғларининг унувчанлиги 58,5%, 15 мартда экилган уруғларда 69,2% ни ташкил этди.

Жингил уруғларининг оптимал экиш чуқурлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. *Lucium* L. турлари уруғларининг оптимал экиш чуқурлигини аниқлаш мақсадида эрта баҳорда 0,1-0,3; 0,4-0,6; 0,7-0,9; 1-1,5; 2-2,5 см ли вариантларда олиб борилди (2-жадвал). Тажибада 0,1-0,3 см чуқурликда экилган уруғларнинг унувчанлиги дастлабки кунларда юқори бўлган бўлсада, кейинги кунларда кескин пасайди, яъни умумий унувчанлик фоизи 7,5-32,5% эканлиги маълум бўлди. Чунки бу чуқурликда уруғлар униши учун ҳарорат етарли бўлсада, намликнинг пастлиги уруғларнинг кам унишига олиб келди. Энг оптимал экиш чуқурлиги 0,4-0,6 см кузатилди. Бунда унувчанлик фоизи *L. barbarum* (60,7%), *L. dasystemum* (55,0%), *L.depressum* (68,5%), *L. ruthenicum* (22,7%) ни ташкил этилди. Буни намлик ва ҳарорат миқдори уруғларнинг униб чиқиши учун етарли бўлиши билан изоҳлаш мумкин. 0,7-0,9; 1-1,5; 2-2,5 см чуқурликларда экилган уруғлар униши бироз секинлик билан бориши маълум бўлди ва уруғлар унувчанлиги чуқурликларга мос равишда пасайиб бориши қайд этилди.

***Lucium* L. турларларида уруғлари унишига экиш чуқурлигининг таъсири**

Тур номлари	Экилган уруғлар миқдори	Экиш чуқурлиги (см) ва унувчанлик миқдори, %				
		0,1-0,3	0,4-0,6	0,7-0,9	1-1,5	2-2,5
<i>L.barbarum</i>	100	23,2	60,7	54,0	36,2	22,0
<i>L.dasystemum</i>	100	20,5	55,0	46,5	28,5	19,7
<i>L.depressum</i>	100	32,5	68,5	53,0	37,7	25,0
<i>L.ruthenicum</i>	100	7,5	22,7	18,7	10,0	5,0

Ўсимликнинг вегетатив кўпайиштириш усуллари ишлаб чиқиш мақсадида яхши етилган қаламчалар ноябр ва феврал ойларининг охирида ўғит билан ишлов берилган тупроқда экилди. Иккала муддатларда экилган қаламчаларнинг беш хил ўлчамда (10-15 см, 15-20 см, 20-25 см, 25-30 см, 30-35 см) кесилиб, бир йиллик (эни 3-10 мм), икки йиллик (эни 8-12 мм) ва уч йиллик (эни 10-20 мм) новдалари олинди.

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, эрта баҳорда экилган умумий 300 дона қаламчалардан 153 донаси (53,0%), кузда экилган 300 дона қаламчалардан 134 донаси (34 %) ўсди. Тажрибадаги бир йиллик новдалардан эни 5-10 мм, узунлиги 25-30 см, икки йиллик новдалардан эни 8-12 мм, 25-30 см, уч йиллик новдалардан 10-12 мм, 25-30 см ли қаламчаларнинг кўкарувчанли ижобий бўлди. Бир йиллик қаламчалар баҳорда экилса, уларнинг кўкарувчанлик миқдори ошиши аниқланди. Кузги бир йиллик қаламчаларнинг 70% нобуд бўлди. Уч йиллик новдаларда эса бунинг акси кузатилди. Кузда экилган бу қаламчалардан 56% илдиз олди. Икки йиллик новдаларда бу кўрсаткичлар деярли фарқланмади.

Диссертациянинг “***Lucium* L. туркуми турларининг онтогенези, фенологияси, гуллаш биологияси ва уруғ маҳсулдорлиги**” деб номланган тўртинчи бобида туркум турларининг ўсиш-ривожланиши, фенологияси ҳамда гуллаш биологияси келтирилган.

Lucium L. туркум турларининг латент даврида (*se*) - ўсимлик бирламчи тиним ҳолатида яъни, мева ёки уруғ кўринишда бўлади. Жингил туркумининг кўпчилик турлари уруғларида эндосперм яхши ривожланган бўлиб, тиним даври жуда қисқа бўлади. *Lucium* L. турларида уруғ йилнинг об-ҳаво шароитига қараб май-июн ойларидан, октябр-ноябр ойларигача пишиб етилади. Меваларининг ранги *L. barbarum*, *L. dasystemum*, *L. depressum* да қизил, сариқ-қизғиш, тўқ қизил рангларда бўлади. *L. ruthenicum* да қора рангда. *L. barbarum* уруғи буйраксимон шаклда бўлиб узунлиги $1,91 \pm 0,35$ мм, эни $1,24 \pm 0,29$ мм, 1000 та уруғ вазни $1,19 \pm 0,56$ мгдан иборат. Ташқи томонидан юпка сариқ, қўнғир рангли пўст билан қопланган. Мева ичида ўртача 15-35 та уруғлари мавжуд. *L. dasystemum* меваларида ўртача 2-5 та уруғлар бўлиб, узунлиги $2,40 \pm 0,19$ мм, кенлиги $1,87 \pm 0,07$ мм, уруғ вазни $1,52 \pm 0,23$. *L. depressum* да ўртача 2-15 тагача, узунлиги $2,11 \pm 0,42$ мм, кенлиги $1,45 \pm 0,38$ мм, уруғ вазни $1,40 \pm 0,78$ мм, *L. ruthenicum* да ўртача 3-20

та, узунлиги $2,23 \pm 0,98$ мм, кенлиги $1,56 \pm 0,45$ мм, уруғ вази $1,60 \pm 0,34$ мг ни ташкил этди.

Виргинил давр - ўсимликнинг унишидан то дастлабки гул ҳосил қилишгача бўлган даврни ўз ичига олади. Жингил туркуми турларида виргинил даври 1-2 йилгача давом этиши аниқланди.

Майса босқичи (*pl*) - туркум турлари уруғларнинг хона ҳароратида филтр қоғозда униши улар намлангандан сўнг, уч кун ўтгач бошланади. Аввал шилимшиқланиб, сўнг шишган уруғ пўстини дастлаб илдиз ёриб чиқади. Илдиз кун давомида ўсиб, $1,5-2$ мм ни ташкил этади. Унишнинг 4-5 куни уруғпаллабарглар қобикдан озод бўлади. Бу вақтга келиб ўсимликнинг илдизи $1,5-2$ см, гипокотил узунлиги $0,7-1,5$ см га етади. Уруғпалла баргларнинг бўйи $0,5-0,6$ см ни ташкил этади. Самарқанд вилояти шароитида февраль ойида экилган уруғлар мартнинг бошларида уна бошлайди ва бу жараён ойнанинг охиригача давом этади. Уруғларнинг униши асосий илдизчанинг пайдо бўлишидан бошланади. Уруғнинг ёрилган қисмидан олдин ёш илдизча ташқарига интилиб, тупроқнинг ички қисмига қараб ўсади. Илдиз $0,4-0,6$ мм чуқурликка етганда, гипокотил сўроқ шаклида ер устига чиқа бошлайди. Гипокотил кўпинча уруғпаллабаргни уруғ пўсти билан бирга олиб чиқади. Орадан 1-2 кун ўтгач уруғ пўсти тушиб кетади, лекин баъзи майсаларда уруғпаллабарглар то қуриб тушиб кетгунча уруғ пўсти унинг учки қисмида сақланади. Униб чиқиш ҳолати ер устки бўлиб, уруғпаллабарглари ер устки қисмига кўтариб чиқиши билан характерланади. Гипокотил дастлаб униб чиқган вақтда ранги оч яшил рангда бўлиб, орадан 2-3 кун ўтгандан сўнг, қизғиш-кўнғир рангга киради. Уруғпалла барглар 2 та бироз этли, бўйига чўзилган, қалами наштарсимон, учи ўткир, оч яшил рангли, силлиқ бўлиб, бўйи $5,7-7,2$ мм, эни $1,1-1,6$ мм га етади.

Ювенил босқичи (*j*) – март ойининг иккинчи декадасида ўсимликнинг бўйи $0,5-0,8$ см, уруғпалла барглари $5,3-10,1$ мм гача катталашади ва ўртасидан дастлабки оддий чин барги вужудга келади. Бу вақтга келиб, илдиз узунлиги $1,5-1,8$ см га етади ва ён илдизлар ҳосил бўлади. Ўсиш конуси кўтарила бошлайди ва унинг асосида биринчи ҳақиқий баргларнинг дўмбоқчалари пайдо бўлади ва аста-секин ўса бошлайди. Чин баргларнинг ҳосил бўлиши навбатма-навбат бўлиб, шунинг учун дастлаб битта чин барг ҳосил бўлади. Сўнгра иккинчиси шаклланади. *L. barbarum*, *L. dasystemum*, *L. depressum* да чин барглар ҳосил бўлгандан сўнг эпикотил узайиб боради. Аммо *L. ruthenicum* да эса эпикотил 4-5 жуфт барглар ҳосил бўлгандан сўнгина узаяди ва бу вақтгача чин барглар тўп бўлиб, шаклланади. Уруғпалла барглар, ҳажман катталашади. Учтинчи жуфт барглар ҳосил бўлгандан сўнг уруғпаллабарглар ҳажман ўсиши секинлашади ва 4-5 жуфт барглар ҳосил бўлганда тўхтади.

Шундан сўнг ўсимлик чин баргларининг қўлтиғида қўшимча барглар ҳосил бўла бошлайди. *L. depressum* да бу жараён анча эрта апрел ойининг учинчи декадасида, бошқа турларда эса майнинг биринчи ўн кунлигига тўғри келади. Бу вақтда поянинг ранги *L. depressum*, *L. ruthenicum* да оч яшил

рангда, *L.barbarum*, *L.dasystemum* турларида қизғиш-қўнғир рангларда бўлиши билан фарқланади. Май ойининг биринчи декадасига келиб уруғпаллабарглар сарғая бошлайди ва май ойининг охирларида бутунлай қуриб қолади.

Имматур босқичи (*im*) - ўсимликларнинг барг қўлтиғида дастлаб қўшимча барглар шакллана бошлайди ва кейинчалик бу баргчалар асосида новдалар ҳосил бўлиши билан характерланади. *L.dasystemum*, *L.depressum*, *L.ruthenicum* турларида новдаларнинг шаклланиши май-июн ойларига, *L.barbarum* да бироз кечроқ июнь ойининг иккинчи декадасига тўғри келади. Поянинг пастки барг қўлтиқларидагина новдалар шаклланади. Яъни, базипетал типда шохланиш кузатилади. Ўсимликларнинг пояси ёғочлана бошлайди. Бу вақтда ўсимликларнинг бўйи *L.dasystemum* $18,3 \pm 1,26$, *L.depressum* $25,0 \pm 1,98$, *L.ruthenicum* $8,1 \pm 0,86$ см ни ташкил этади. Баъзи ниҳолларда биринчи йилда шохланиш кузатилмайди ва асосий поянинг жадал ўсиши кузатилади. Бундай ниҳолларнинг бўйи вегетация охирида 1-1,2 м гача етади. Имматур босқичидаги поянинг юқори қисмидаги барг қўлтиқларида эса *L.dasystemum*, *L.depressum*, *L.ruthenicum* турларида тиканлар ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган тиканларда баргчалар мавжуд бўлиб, бу тиканларни новданинг шакл ўзгаришидан ҳосил бўлганлигини исботлайди. *L.ruthenicum* ёғочланган пояларининг оқ рангда бўлиши билан бошқа турлардан ажралиб туради. *L.barbarum* поясининг юқори қисмидаги барглар асосида қўшимча баргчалар ҳосил бўлади лекин бу баргчалар кейинчалик тўкилиб кетади ва бир йиллик ниҳолларида тиканлар бўлмайди.

L.barbarum, *L.dasystemum*, *L.ruthenicum* турларида асосий поя шохлангандан сўнг, ўсиш суръати пасаяди. Ҳосил бўлган ён новдалар эса аксинча жадал ривожлана бошлайди. Ён новдалар тик ўсади ва натижада асосий поянинг цилиндрсимон эгилиши кузатилади. Июль ойининг иккинчи декадасига келиб, ёғочланмаган ён новдаларнинг узунлиги 7-40 см гача бўлади. *L.depressum* турида эса ён новдалар плагиотроп типда ривожланади ва узунлиги $18,3 \pm 2,12$ см етади. Асосий поянинг узунлиги эса июль ойида $58,3 \pm 3,45$ ни ташкил қилади. Баъзи тупларда (20-30%) биринчи йилнинг ўзидаёқ, июль ойининг учинчи декадасида ёки иккинчи вегетатив йилининг март (70-80%) ойида поянинг юқори қисмидан новдалар шакллана бошлайди. Бу вояга етган виргинил ёшли ўсимлик бўлиб, виргинил босқич (*v*) бўлиб, ҳисобланади. Бу вақтга келиб ўсимликнинг узунлиги 70-100 см гача етади ва нафақат асосий новда, балки марказий поянинг пастки қисмидан ҳосил бўлган новдаларда ҳам шохланиш кузатилади. Ўсимликларда учламчи тартибли новдалар ҳосил қилиши кузатилади. Илдиз системаси ихтисослашган бўлиб, асосий илдиз вегетация охирида 30-45 см узунликда бўлади.

Генератив даври (*g*). Ўсимлик вегетациясининг 2-3 йиллари генератив даврга ўтади. Генератив даврнинг дастлабки йилларида асосий поянинг юқори қисмидаги новдаларда генератив куртаклар шакллана бошлайди. Бу май-июн ойларига тўғри келади. Жинғил туркуми турларининг генератив даврида ўсимликларда вегетатив новдаларнинг икки типи мавжудлиги

аниқланди. Бу новдалар ауксибластлар ва брахибластлар. Ауксибластлар ўсимликнинг асосий қиёфасини ҳосил қилувчи новдалар бўлиб, ўсимликнинг пастки базитон қисмидан шаклланган куртаклардан февралнинг охири, мартнинг бошларидан ривожлана бошлайди. Бу новдалар апрел, май ойларида жадал ўсади. Май ойининг охирлари ва июл ойининг бошларига келиб ўсиш суръати пасаяди. Июль ойининг охирларида ушбу новдалар ўсишдан тўхтайтиди. Брахибластлар баъзида қисқа учки қисми тиканлашган новдаларни ҳосил қилади. Қисқа новдалар ҳам ўсувчи новдалар каби эрта баҳорда ривожланиб, июл ойининг охирида уларнинг ўсиши тўхтайтиди. Бу вақтда уларнинг узунлиги 30,5-70,9 см га етади. Бундай новдаларда вегетатив ва генератив куртаклар шаклланади.

Жингил туркуми турларининг шохланиши симподиал типда бўлиб, аввалига эрта баҳорда ёш ниҳолнинг асосий пояси тезлик билан ўса бошлайди. Кейинчалик июн ойининг бошларига келиб асосий поянинг ўсиши кескин пасаяди ва ён новдаларнинг кўплаб ҳосил бўлиши кузатилади. Генератив даврида морфологик белгиларига қараб *Lucium* L. туркум турларини уч гуруҳга - ёш генератив, ўрта ёшли генератив ва қари ёшли генератив ўсимликларга ажратиб ўрганилди.

Ёш генератив босқичи (g_1) – туркум турларида 2-3 ёшдан то 4-5 ёшгача даврни ўз ичига олади. Генератив даврининг биринчи йилида ўсимликнинг асосий поясининг узунлиги 0,8-1,5 м га етади. Поянинг асос қисмидаги куртаклардан 4-8 тагача узун вегетатив новдалар шаклланади. Асосий поядан 14-26 тагача қисқа новдалар ҳосил бўлади. Генератив новдаларда гуллар 6 тадан 25 тагача ҳосил бўлади. Ўсимликларда бу вақтга келиб ерости ёнлама илдизларидаги тиним куртаклардан ёш новдалар пайдо бўлади. Ушбу новдалар маълум вақтдан сўнг ўзининг мустақил илдиз тизимини ҳосил қилади. Натижада ушбу янги шаклланган ўсимликларда биринчи вегетатив йилининг август ойларига келиб генератив босқичи кузатилади.


Ўрта ёшли генератив босқичи (g_2) - ўсимликларнинг асосий поянинг юқори қисмида қуриши кузатилади. Бунинг натижасида кўплаб узун вегетатив новдаларнинг ҳосил бўлади ва бу новдаларнинг узунлиги 1,4-3,2 м га етади. Бу новдаларда биринчи йил 4-8 та, иккинчи йилдан 14-25 та ён новдалар ҳосил бўлади. Новдаларнинг кўплаб ҳосил бўлиши ҳисобига гулларнинг максимал даражага етиши кузатилади. Битта генератив новдада 35 тадан 90-100 тагача генератив куртаклар ҳосил бўлади. Битта барг қўлтиғида 1-12 та гача гул куртаклари ривожланади.

Қари ёшли генератив босқичи (g_3) - ўсимликлар ёш ва ўрта ёшли генератив ўсимликлардан қуриган новдаларнинг янги ҳосил бўлган новдаларга нисбатан кўплиги, новдаларининг қисқалиги, илдиз бўғзи диаметрининг йўғонлиги, шунингдек, новдаларнинг камайиши ҳисобига гуллар сонининг камайиши билан фарқланади. Қариш аломатлари вужудга келган бундай ўсимликда ауксибластлар баландлиги 80-150 см га етади. Генератив новдалардаги гуллар сони 5-18 та бўлади. *L. barbarum* интродукцияланган тур сифатида фақатгина ўрта генератив давригача ўрганилди. Етиштирилган етти йиллик ўсимликларда ҳали қари генератив

даври кузатилмади. Бу даврдаги ўсимликлар *L. dasystemum*, *L. depressum*, *L. ruthenicum* да табиий популяцияларда ўрганилди.

Сенил даври (*s*) - ушбу даврда ўсимликларнинг асосий қисмини куриган новдалар ташкил қилади. Новдаларнинг ҳосил бўлиши кескин пасаяди. Барг қўлтиғидаги гуллар сони 1-2 тадан ошмайди.

Lucium L. туркум турларининг фенологияси 2018-2020 йилларда олиб борилган кузатишлар асосида аниқланди. *L. barbarum* фенологик фазалари 2-расмда ўз аксини топган. *L. dasystemum*да июнь, июль ойларида очилган гулларнинг тўкилиб кетиши, меваларнинг етилиши ва пишиш фазаларининг бўлмаслиги билан характерланади. *L. depressum*да эса мазкур муддатда ёзги тиним даври кузатилади. *L. ruthenicum*да ўрганилган бошқа турлардан фенологик фазаларининг бироз кечроқ бошланиши билан фарқланади.




2-расм. *L. barbarum* нинг мавсумий феноспектри (2018-2020 йиллар)

L. barbarum нинг ялпи гуллаш даври апрелнинг охирида кузатилади. Гулларнинг очилиши 7⁰⁰ дан ҳаво ҳарорати +17+19⁰С, нисбий намлик 55-60% бўлганда бошланади. Гулларнинг энг кўп миқдорда очилиши 9⁰⁰-11⁰⁰да ҳаво ҳароратининг +22+25⁰С га, нисбий намлик 41-45% га етганда кузатилди. Бу вақтда очилган гуллар сони умумий гуллар сонининг 60% ни ташкил қилди. Гуллашнинг чўққиси эса соат 11⁰⁰ га тўғри келди. Гулларнинг очилиш давомийлиги соат 19⁰⁰гача кузатилди. Гуллар бир марта очилади ва кечкурун ёпилмайди (3-расм).

Гулларнинг очилиши об-ҳаво шароитига қараб, 6-6,5 ойгача давом этиши аниқланди. Гулларнинг очилиш давомийлиги ўсимлик ёшига ҳам боғлиқ бўлиб, 2-3 ёшли ўсимликларда гуллаш фазасининг бошланиши майнинг охири июннинг бошларига тўғри келади. Бунга асосий сабаби сифатида новдаларнинг шаклланишига боғлиқлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Фақатгина шу йил шаклланган қисқа новдалардагина ғунчалар етилади. Бу эса гуллаш фазасининг кечроқ бошланишига олиб келади.

*L. dasystemum*нинг энг кўп миқдорда очилиши 11⁰⁰-13⁰⁰да ҳаво

ҳароратининг $+25+28^{\circ}\text{C}$ га, нисбий намлик 36-41% га етганда кузатилди. Бу вақтларда очилган гуллар сони умумий гуллар сонининг 50,5% ни ташкил қилди. Гуллашнинг чўққиси эса соат 11^{00} га тўғри келди. Гулларнинг очилиш давомийлиги соат 19^{00} гача давом этди. Ҳаво ҳароратининг бирмунча юқори бўлган ёз ойларида эса гулларнинг очилиши $4^{30}-5^{00}$ да ҳаво ҳарорати $+21+23^{\circ}\text{C}$, нисбий намлик 43-47% бўлганда кузатилди. Бу вақтда очилган гуллар сони умумий гуллар сонининг 0,05% ни ташкил қилди. Гулларнинг энг кўп миқдорда очилиши эса $9^{00}-11^{00}$ да, ҳаво ҳарорати $+30,+35^{\circ}\text{C}$, нисбий намлик 20-25% да кузатилди. *L. depressum* эрталаб соат 7^{00} да бошланиб, кеч соат 19^{00} гача давом этади. Гулларнинг қийғос очилиши эса соат $9^{00}-11^{00}$ ларга тўғри келишини кўрсатди. Соат 7^{00} да ўртача очилган гуллар сони 11,6 донани ташкил қилса, $9^{00}-11^{00}$ атрофида ўртача 46,5 – 58,6 тагача гуллар очилади. *L. ruthenicum* нинг гуллаш фазасининг бошланиши юқоридаги ўрганилган бошқа турларга нисбатан бироз кечроқ майнинг биринчи декадасида бошланади. Гуллаш фазасини давомийлиги ҳаво ҳароратига боғлиқ ҳолда 5-5,5 ой давом этади. Гулларнинг очилиши 7^{00} да, қийғос очилиши соат $11^{00}-13^{00}$ кузатилди.



3-расм. *L. barbarum* нинг суткалик гуллаш ритми

L. barbarum турининг уруғ маҳсулдорлиги бошқа турларга нисбатан бир мунча юқори бўлиб, 2018 йилда 94,4 % ни ташкил этди. 2019-2020 йилларда эса ёғингарчилик миқдорининг юқори бўлиши уруғ маҳсулдорлигини пасайишига олиб келди. Айниқса, бу кўрсаткич 2020 йилда энг паст (91,0 %) ни ташкил этди. *L.dasystemum* турида эса, уруғ маҳсулдорлиги қолган турларга нисбатан анча паст бўлиб, 2019 йилда 47,0% ни ташкил этган. 2019 йилда 34,9 %, 2019 йилда 33,7% ни ташкил этди (3-жадвал). Мазкур турнинг бундай паст кўрсаткичда бўлишининг асосий сабабларидан бири сифатида ёз ойларида меваларнинг ҳосил бўлмаслиги, очилган гулларнинг тўкилиб кетиши ва айнан *L.dasystemum* турини зарарлантирадиган замбуруғларнинг фаоллигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Lucium L. туркум турларининг уруғ маҳсулдорлиги (n=15)

Турлар номи	Кузатув йили	ПУМ*	РУМ*	УМК* %
<i>L.barbarum</i>	2018	70,2±1,68	66,3±2,36	94,4
	2019	65,8±1,46	60,9±1,41	92,5
	2020	60,1±2,09	54,7±1,03	91,0
<i>L.dasystemum</i>	2018	92,1±1,51	43,3±1,16	47,0
	2019	88,3±2,15	30,9±1,38	34,9
	2020	85,1±1,45	28,7±1,21	33,7
<i>L.depressum</i>	2018	64,1±2,03	57,0±1,54	88,9
	2019	55,8±1,33	46,9±1,41	84,0
	2020	50,2±1,75	40,7±1,15	81,0
<i>L.ruthenicum</i>	2018	78,2±1,54	72,3±1,24	92,4
	2019	76,1±1,87	69,9±1,81	91,8
	2020	73,5±1,02	64,3±2,00	87,4

* Изоҳ. ПУМ – потенциал уруғ маҳсулдорлиги, РУМ – реал уруғ маҳсулдорлиги, УМК – уруғ маҳсулдорлик коэффиценти

Диссертациянинг “*Lucium* L. туркуми турларининг биокимёвий таркиби” деб номланган бешинчи бобда туркум турлари меваларининг аминокислоталар, витаминлар, углеводлар ва флавоноидларнинг миқдорий кўрсаткичлари келтирилган.

L.barbarum, *L.dasystemum*, *L.depressum*, *L.ruthenicum* мевалари таркибидан аниқланган 20 хил аминокислоталарнинг 10 таси алмашинмайдиган аминокислоталар бўлиб, булар *L.barbarum* меваларида 28.99% ни, *L.depressum* да 18.46%, *L.ruthenicum* да 24.85%, *L. Dasystemum* да 24.17% ни ташкил қилади. Мевалар таркибидаги аминокислоталар йиғиндиси *L.depressum* да энг юқори (15,13279 мг/гр), *L.barbarum* да (6,559505 мг/гр), *L. dasystemum* да (6,887793 мг/гр), *L. Ruthenicum* да (7,84489 мг/гр) ни ташкил этди. В гуруҳига мансуб витаминлар миқдори турлар бўйича бир қанча фарқларга эга эканлиги аниқланди. В₁ витаминининг энг юқори концентрацияси *L.depressum* да (0,046798 мг/гр), энг паст кўрсаткич *L. barbarum* да (0,017444 мг/гр) қайд этилди. В₂ витамини *L.ruthenicum* да, қолган турларга нисбатан 4-7 баробар ортиқ эканлиги маълум бўлди. Аскорбин кислотасининг миқдори эса *L.depressum* > *L.ruthenicum* > *L. barbarum* > *L.dasystemum* тартибида камайиб бориши аниқланди. Никотин кислотасининг концентрацияси *L. barbarum* да энг юқори (0,48783 мг/гр) ни бўлиб, бошқа турлардан 2-3 баробар кўп.

Мевалар таркибидаги апигенин миқдори *L.dasystemum* да энг юқори (0,0462 мг/гр) ва *L.barbarum* меваларида ҳам деярли катта фарқ мавжуд эмаслиги аниқланди. Аксинча, *L.depressum*, *L.ruthenicum* меваларида апигенин концентрацияси 2-4 баробар кам. Рутин ва кверцетинларнинг миқдори *L.dasystemum* да мос равишда 0,0252 мг/гр, 0,1052 мг/гр. Рутин миқдори *L.depressum* да бошқа турларга нисбатан анча кам (0,0072 мг/гр),

кверцетин концентацияси *L. barbarum* да энг кам (0,011мг/гр) эканлиги аниқланди.

4-жадвал

Lucium L. туркум турлари меваларининг флавоноидлар ва углеводлар миқдори

Флавоноидлар	<i>L. barbarum</i>	<i>L. depressum</i>	<i>L. ruthenicum</i>	<i>L. dasystemum</i>
	Концентрация мг/г			
Апигенин	0,0458	0,0172	0,0118	0,0462
Лютионин	0,0108	0,0196	0,0156	0,0086
Рутин	0,013	0,0072	0,0138	0,0252
Кверцетин	0,011	0,1046	0,0526	0,1052
Углеводлар	Концентрация мг/г			
Фруктоза	33,6	22,37	13,32	33,07
Глюкоза	43,02	27,72	35,61	42,41
Сахароза	0,45	1,2	0,21	0,6
Мальтоза	0,00	0,76	0,1	0,1
Сумма	77,07	52,04	49,24	76,18

L. barbarum да фруктоза бошқа турларга қараганда бирмунча юқори (33,6 мг/мл). Глюкоза миқдори бошқа моносахаридларнинг умумий улушининг 55,81% ни ташкил этди. Сахароза миқдори эса бирмунча кам (0,45 мг/мл). *L. depressum* да фруктоза 42,98%, глюкоза 53,26% эканлиги аниқланди. Сахароза ва мальтоза концентацияси қолган турларга нисбатан юқори (мос равишда 1,2 мг/мл, 0,76 мг/мл). *L. ruthenicum* да фруктоза концентацияси 13,32 мг/мл, сахароза миқдори ҳам бирмунча кам (0,21 мг/мл). *L. dasystemum* мевалари таркибида аниқлаган углеводларнинг умумий миқдори 76,18 мг/мл, *L. barbarum* таркибига бирмунча яқин бўлиб, 0,89 мг/мл га фарқланиши аниқланди (4-жадвал).

ХУЛОСАЛАР

“Жинғил (*Lucium* L.) туркум турларининг морфобиологияси ва фойдаланиш истиқболлари” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. *Lucium* L. туркум турлари меваларнинг ўлчамлари мавсумий ўзгарувчанликка эга. *L. barbarum* нинг энг йирик мевалари май ойида етилиб, узунлиги 2,18 см, эни 1,14 см, оғирлиги 38,89 г ни ташкил этди. *L. dasystemum* (узунлиги 0,58 см, эни 0,51 см, оғирлиги 7,83 г), *L. depressum* (узунлиги 0,79 см, эни 0,76 см, оғирлиги 13,53 г), *L. ruthenicum* (узунлиги 0,72 см, эни 0,78 см, оғирлиги 16,84 г) турларида энг йирик мевалар июн ойида аниқланди.

2. Лаборатория шароитида *Lucium* L. туркум турлари учун оптимал ҳарорат 20-25°C, турларнинг уруғ унувчанлиги 75,6-91,4% ни ташкил этди. Дала шароитида оптимал экиш муддати 1-15 март (22,0-69,2%), экиш чуқурлиги эса 0,4-0,6 см эканлиги аниқланди.

3. Эрта баҳорда ўтқазилган умумий 300 дона қаламчалардан 153 донаси (53,0%), кузда ўтқазилган 300 дона қаламчалардан 134 донаси (34 %) ўсди. Тажрибадаги бир йиллик новдалардан эни 5-10 мм, узунлиги 25-30 см, икки йиллик новдалардан эни 8-12 мм, 25-30 см, уч йиллик новдалардан 10-12 мм, 25-30 см ҳажмдаги қаламчаларнинг яшовчанлиги ижобий бўлди.

4. *Lucium L.* турларида виргинил даври 1-2 йил давом этади. Генератив даври ўсимликларнинг 2-3 вегетатив йилидан бошланади, 5-10 % ўсимликлар биринчи йилиданок генератив даврга ўтади. Лекин уруғ ҳосил қилмайди.

5. *Lucium L.* турларининг мавсумий ривожланишида фенологик фазаларнинг узок муддат давом этиши ва ғунчалаш, гуллаш, мевалаш ҳамда уруғларининг етилиш фазаларининг бир вақтда бориши билан ажралиб туради. Вегетация давомийлиги *L. barbarum*да 286-291 кун, *L.dasystemum*да 277-281 кун, *L.depressum*да 256-263 кун, *L.ruthenicum*да 236-242 кунга тўғри келади.

6. *Lucium L.* турларида гулларнинг очилиш давомийлиги 1-9 кунгача давом этади. Гулларнинг қийғос очилиши соат 11⁰⁰-13⁰⁰ ҳавонинг ҳарорати 23.7⁰- 27.6⁰С, нисбий намлиги 26,9-43,8 % да кузатилди. Уруғ маҳсулдорлиги *L. barbarum*да 91-94,4%, *L.dasystemum*да 33,7-47,0%, *L.depressum*да 81,0-88,9%, *L.ruthenicum*да 87,4-92,4 % ни ташкил этади.

7. *Lucium L.* турлари уруғларида тиним даври жуда қисқа. Ҳарорат ва намлик етарли бўлганда 7-10 кунда аксарият уруғлар унади. Шунингдек ўсимликларни вегетатив усулида кўпайтириш юқори самара беради.

8. *Lucium L.* турлари мевалари таркибидаги аминокислота, витамин, флавоноид ва углеводлар миқдори улардан фармацевтика фойдаланиш имконини беради. Бу ўсимликлардан истиқболли доривор ўсимликлар сифатида Республикамизнинг фойдаланилмайдиган ерларида етиштириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НУРУЛЛАЕВА НОДИРА САЙФУЛЛАЕВНА

**МОРФОБИОЛОГИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВИДОВ
РОДА ДЕРЕЗА (*LYCIUM L.*)**

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана за номером B2019.3.PhD/B358.

Диссертационная работа выполнена в Самаркандском Государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Хайдаров Хислат Кудратович
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты Мавланов Хударган
доктор биологических наук, профессор

Тухтаев Бобокул Еркулович
доктор биологических наук, профессор


Ведущая организация: Каршинский государственный университет


Защита диссертации состоится « 1 » февраль » 2022 года в « 13⁰⁰ » часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.02.08 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Актовый зал факультета биологии Самаркандского государственного университета. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано за № 11). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15, Центр информационных ресурсов. Тел.: (+99866) 239-11-51).

Автореферат диссертации разослан « 18 » январь » 2022 года.
(Реестр протокола рассылки № 23 от « 18 » январь 2022 года).




З.Т.Рахамуродов
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.б.н., профессор


М.С.Кузиев
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
(PhD), доцент


А.Р.Джабборов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире свыше 60% производимых лекарственных препаратов получают из растений, что обеспечивает высокий спрос на их природные ресурсы. В последние годы возделывание лекарственных растений на неиспользуемых землях и приготовлении из них сырья указывает на необходимость в изучении их биоэкологических свойств, а также применения их в фармацевтической промышленности. В связи с этим изучение местных и завезенных из другой флоры, перспективных и полезных видов лекарственных растений в зависимости различных климатических условий, исследование фитохимических свойств, а также внедрение их на предприятиях, занимающихся выращиванием лекарственных растений для их размножения и выращивания сырья имеет важное значение.

В мире проводятся широкомасштабные научные исследования по выращиванию и акклиматизации лекарственных растений, свойственных другим флорам, выявлению зависимости климатических условий на их рост и развитие, протекающих процессов онтогенеза с точки зрения взаимосвязи между биоморфологическими и фенологическими особенностями и условий акклиматизации. В связи с этим в настоящее время особое внимание уделяется изучению роста развития и фенологии видов рода *Lycium* L., признанного как наиболее перспективное лекарственное растение, по биоморфологическим особенностям в связи с их онтогенезом в условиях акклиматизации, а также разработке интенсивных методов семенного и вегетативного размножения в различных почвенно-климатических условиях.

В нашей Республике особое внимание уделяется посеву на непригодных землях перспективных лекарственных растений интродуцируемых из флоры других стран, а вместе с ними и местных видов лекарственных растений, а также анализ их химического состава с целью использования их в фармацевтической промышленности и на предприятиях, специализирующихся на выращивании и переработке лекарственных растений. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи «... дальнейшее развитие фармацевтической промышленности и улучшение обеспеченности населения и медицинских учреждений доступными, качественными лекарственными средствами»² поэтому при выполнении важных задач, изложенных в настоящем Указе, исследование морфобиологических свойств на разных стадиях и периодах онтогенеза видов рода *Lycium* L., являющихся одним из наиболее перспективных лекарственных растений, произрастающих в акклиматизированных и естественных условиях, раскрытие их различий, обоснование их фенологии, разработка интенсивных методов их размножения черенками и семенами, определение химического состава плодов ценных для фармацевтической промышленности, а также создание

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7.февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

сырьевой базы и разработка рекомендаций для фармпромышленности и предприятий, специализирующихся на выращивании и переработке и лекарственных растений имеют важное научно-практическое значение.

